

# **КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЖТИМОЙ- ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ**



Тадбиркорлик жамиятда ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида катта рол ўйнайди.

У ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш ўринлари яратиб, аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни камайтиришда мухим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатларда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳар йили яратилаётган янги иш ўринларининг ярмидан ортиғи кичик ва хусусий тадбиркорликка тўғри келади. Демак, тадбиркорлик аҳолининг иш билан бандлиги, меҳнат ва иқтисодий фаоллигининг ўсиши ва бунинг натижасида унинг даромадларининг ошишига катта ҳисса қўшади. Бу жараённинг икки оқибатини эътиборга олиш лозим: бир томондан, аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларининг ўсиши, кенгайиши бўлса, иккинчи томондан, уларни тўлароқ қондириш имкониятларининг яратилишидир. Бу пировард натижада аҳоли ҳаётини яхшилаш, турмуш даражасини кўтариш, фаровонлигини оширишни таъминлайди. Тадбиркорликнинг ривожланиши билан унинг мазкур соҳадаги роли ортиб боради.

Тадбиркорларнинг маълум қисми оёққа туриб, янада ривожланиши оқибатида улар мулкдорларга айланадилар. Бу эса жамиятда янгича фикрлайдиган, ҳаракат қиласиган янги авлод-тадбиркорлар, мулкдорлар табақасининг шаклланишига олиб келади. Бундай шахслар давлатнинг ижтимоий таянчи ва иқтисодий тараққиёт манбайи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама ривожлантириб бориш, иқтисодиётни хусусан бозор муносабатига ўтишни тезлаштирувчи энг асосий йўллардан бири бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тадбиркорликни ривожлантиришга, уни давлат томонидан қўллаб-куватланиши, хусусий тадбиркорликда ташабbus кўрсатиш, уни рағбатлантиришга бағишлиланган бир қанча қонун, фармон ва қарорлар қабул

қилинди.

Мамлакатимизда кичик бизнесни ва хусусий тадбиркорликни янада барқарор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш

бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида” 2019-йил 13-августдаги ПФ-5780-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019-йил 13-августдаги ПҚ-4417-сон қарорлари қабул қилинган.

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг асосий мақсадларидан бири мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик шаклларини устувор ривожлантиришдан иборат. Бу мақсадни амалга ошириш учун иқтисодий ислоҳотлар ўtkazildi, унинг ролини ошириш учун йирик институционал асослар яратилди. Тадбиркорлик

фаолиятини ташкил этиш ва уни кафолатловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар, корхоналар шулар жумласига киради.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш муваффақиятли бормоқда. Кичик бизнес фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар давлатга боғлиқ бўлмаган ҳолда, яъни катта капитал маблағларсиз ўзлари иш жойларини жорий этишлари, вақтинчалик мавжуд бўлган товарлар танқислигини камайтиришлари ва ҳаттоқи, бу танқисликни бутунлай йўқотишлари мумкин